



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 7 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 155 (12.466)

Баҳоси эркин нарҳда

МУСТАҚИЛЛИК • INDEPENDENCE • НЕЗАВИСИМОСТ
22
O'ZBEKISTON

Юртимизда байрамлар кўп. Улар орасида энг улуғи ва энг азияти шубҳасиз ҳурлик, мустақиллик, истиқлол айёмидир. Обод ва озод юртимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги шодиёналарига қизгин тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда бу яна бир бор ёрқин намоён бўлмоқда. Жойларда ўтказилаётган байрам тадбирларида ёшув кекса барча-барчанинг қалби Истиқлол нашидасидан баҳра олиб, шундай дорилломон кунларга етказганига чин дилдан шукроналар билдирилмоқда.

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



КЕНГ ҚАМРОВЛИ ЯНГИЛЕНИШЛАР ЭЪТИРОФИ

Шахримизнинг энг сўлим ва баҳаво масканларидан бири — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий бегода истиқлолисимизнинг йигирма икки йиллигига бағишлаб Чилонзор ва Миробод туманлари ҳокимликлари томонидан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида ўтказилган байрам тантанаси «Қўтлайман юракдан Ўзбекистоним!» деб номланди.

Тадбирда туманлардаги маҳаллалар оқроққоллари, фаоллари, намунали оилалар, нуруний отахон ва онахонлар, хотин-қизлар, тадбиркорлар, ёшлар ҳамда маданият ва санъат намоёндалари иштирок этишди.

Унда сўз олганлар Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, ҳур дийёримизнинг кундан-кун яшариб-яшнаб бораётгани истиқлолисимизнинг шарофати эканлигига тўхталиб, мустақиллик бизга ато этган неъматларнинг нечоғли буюк ва қадрили экани, эришилган салмоқли ютуқ ва натижалар, кенг қамровли ўзгаришлар, беқисс имкониятлар билан ҳақли равишда фахрланасан арзганини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллик даврида ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар, фототасвирлар, жумладан, маҳаллалар, тадбиркорлар, касаначилар, хунармандлар ва «Ораста қизлар» клубларининг бадиий-амалий санъат кўргазмалари, полиз экинлари сайли ва нон кўргазма-савдоси боққа ташриф буюрган меҳмонларнинг эътиборини тортди, илк таассурот қолдирди.

Шоирлар, эл севган хонандалар ихросидаги шеърлар, мумтоз ва истиқлолни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, жажжи болажонлардан ташкил топган жамоаларнинг чиқишлари байрам тадбирига ўзгача шодиёна руҳ бағишладди. Истиқлол шарофати билан шундай нурафшон кунларга эришганимиз ҳақида иштирокчилар ва ташкилотчиларнинг фикрлари билан қизиқдик:

— Шундай кутлуғ кунларда меҳнатимиз қадрлиб, эътибор кўрсатилгани бизни изланишларга ундайди, — дейди Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими раҳбари Гулчеҳра Досметова. — Истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дини диниетимиз, кўна урф-одатларимиз тикланиб, қадр топди. Маънавиятимиз, маданиятимиз янада юксалди. Халқимиз ўзининг мустақам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, Ўзбекистон жаҳон майдонида муносиб ҳурмат, эътибор қозонди. Юртимиз номи дунёга машҳур бўлди. Бундай байрамлар мустақиллик инъом этган фароғатли ва бахтиёр кунларимизнинг чин маънодаги маҳсулидир.

(Давоми 2-бетда)

МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИ ТУБДАН ЯНГИЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан манфаатдор идоралар, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳамда туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари ходимлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўқув семинарлари ташкил этилди.

Унда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши, уларни рўйхатдан ўтказиш ва фуқаролар йиғини тўғрисидаги Низом асосида амалиётда жорий қилинган янгиликлар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Неча асрларки, юртимизда маҳалла — ўзбек халқининг қадимдан шаклланиб келган ва ҳозирда нуфузи тобора ошиб бораётган ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим институти ҳисобланади. Президентимизнинг 2013 йил 14 февралдаги «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида ҳам маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда уларнинг роли ва аҳамияти-

ни ошириш масаласи устувор йўналиш сифатида белгиланган. Дастур ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 22 апрелида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар фаолиятини тубдан янгиллаш, уларни жамиятимиз таянчига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳалланинг роли ва нуфузини ошириш, ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтириш йўлида қўллаб-қўллаш амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган кенг қўламли тадбирлар натижасида фуқаролар йиғинлари кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ислохотларнинг таъсирчан бўлинига айланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида хорижий давлатлар ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доираларининг вакиллари тобора яқинлашиб келаётган ушбу қутлуғ сана муносабати билан мамлакатимизнинг чет эллардаги ваколатхоналарига ўз табрикларини йўлламоқдалар.

ФРАНЦИЯДАН ҚУТЛОВЛАР

Жумладан, Европада истиқбол ва хавфсизлик институтининг президенти Эммануэль Дюпон ўз табрикларида Ўзбекистон ҳозирги пайтда демократлаштириш жараёнининг муҳим босқичида турганини таъкидлайди. Унинг эътирофи эътибор, 2005 йили мамлакатимизда амалга оширилган конституциявий ислохот ва икки палатали парламентнинг яратилиши демократик тараққиётнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди, фуқаролик жамиятининг ривожланишида ноҳукумат ташкилотлари ўрни ва аҳамиятининг ошиши ҳам алоҳида таҳсинга сазовордир.

— «Ўзбекистон Марказий Осиёда муҳим геостратегик аҳамиятга эга бўлгани баробарида минтақадаги хавфсизлик, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва изчил тараққиётни таъминлашда, шу жумладан, Афғонистон тикланишида ҳал қилувчи ўрин тутди», дейди Э.Дюпон.

Унинг таъкидлашича, «Ўзбекистон ва Франция муносабатлари дўстона ва ўзаро манфаатли хусусият касб этади, Франция ташқи ишлар вазирли Лоран Фабиуснинг жорий йил март ойда Ўзбекистонга буюрган ташрифи ва унинг Президент Исро Каримов билан бўлиб ўтган учрашуви ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорлигининг чуқурлашишида муҳим қадам бўлди. Мустақиллик байрами арафасида дўст ўзбек халқига демократик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида янгидан-янги муваффақиятлар, тинчлик ва оқсоқиллик, фаровонлик ва бахту саодат тилайман», дея қутлади Эммануэль Дюпон.

Франциядаги «МЕДЕУ» ишбилармонлар ҳаракати бош директорининг ўринбосари Жеральд Лембле-Павлов мустақил ривожланиш йиллари мобайнида Ўзбекистонда иқтисодий ва саноат тараққиётни йўналишларида қўлга киритилган муваффақиятларга юқори баҳо берди. Унинг фикр билдиришича, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши кўрсаткичи 8 фоиздан зиёдн ташкил этаётгани Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг тўғри эканлигидан далolat беради.

«Сўнгги йилларда Франциядаги йирик компанияларнинг Ўзбекистон билан амалий ҳамкорлиққа нисбатан қизиқиши тобора ортиб бораётгани сабаби мамлакатда шакллантирилган сармоявий муҳит ва хорижий инвесторлар учун яратилган имтиёзлар сингари қатор муҳим омиллар билан изоҳланади, дейди у. Франция бизнеси минерал-хом ашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, фармакология, телекоммуникациялар, саноатнинг юқори технологияга асосланган тармоқлари сингари йўналишларга алоҳида қизиқиш билдирмоқда. Айниқса, чет эллик шериклар билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган қўллаб-қўллаш корхоналар фаолият кўрсатган «Навий» эркин индустриал иқтисодий ҳудудда бу борада муҳим аҳамиятга эгадир. Тез орада Франция компаниялари ҳам мазкур ҳудудда иш бошлайди».

Ж. Лембле-Павловнинг таъкидлашича, Франция Ўзбекистонни иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик салоҳияти жиҳатидан Марказий Осиёнинг муҳим давлати ҳисоблайди.

Миллий ассамблея депутати, «Франция — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи раисининг ўринбосари, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент ассамблеясининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Тьерри Мариани қайд этганидек, истиқлол йиллари мобайнида Ўзбекистон тараққиёт йўлида катта натижаларга эришгани ҳолда иқтисодий фаровонлиқни таъминлаш, кучли фуқаролик жамияти қуриш, парламентаризм институтини ривожлантириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда аёлларнинг ўрни ва ролини мустақамлаш сингари жаҳонларда салмоқли муваффақиятларни намоийиш этмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ижтимоий соҳани янада такомиллаштириш, фуқароларнинг моддий фаровонлиги ва тўқин-сочинлигини таъминлаш борасида мамлакатда ҳаётга тадбиқ этилаётган кенг миқёсли ислохотларни ижобий баҳолаш мумкин, деб таъкидлайди Франциялик депутат.

Т. Мариани мамлакатимизда тарихий меросни асраб-авайлашга катта эътибор қаратилаётгани ҳақида тўхталар экан, у Ўзбекистон Республикаси Президенти Исро Каримов раҳбарлиги остида бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлиши қадимги меъморчилик обидаларини асраб-авайлаш, ободонлаштириш ва қайта тиклаш бўйича кенг қўламли тадбирлар амалга оширилганини юқори баҳолайди.

Яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрами муносабати билан Тьерри Мариани ўзбек халқига тинчлик, оқсоқиллик, бахт-саодат ва фаровонлик тилакларини изҳор этди.

«Жаҳон» АА



Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш — ички талабни таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг самарали чораси» мавзuida давра суҳбати ташкил этилди.

• Гулистонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ташаббуси билан «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14 ва 15-моддалари талабларининг Жиззах, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги ижросини ўрганишга бағишланган Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

• Нукусда «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди. Унда қўйи босқичларда сараланган 16 фуқаролар йиғини ўзаро куч синашди. Танлов якунига кўра, Амударё туманидаги «Қиличбой» овул фуқаролар йиғини энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи деб эътироф этилди ва танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

• Фарғона вилоятида «Соғлом бола — соғлом келажақ» шiori остида саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган мазкур ҳафталик доирасида Меҳрибонлик ва Муруват уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг фарзандлари, имконияти чекланган болалар чуқур тиббий кўриқдан ўтказилади.

Жаҳонда

• Халқаро валюта жамғармаси Франциянинг иқтисодий ҳолатига оид ўз хулосаларини баён этди. Унга кўра, жорий йил якуни бўйича ушбу мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 0,2 фоизга қисқаради. Келгуси йилда эса атиги 0,8 фоизга ўсиш кузатилиши мумкин. Франция солиқ юки оғирлиги бўйича бутун жаҳонда етакчилардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда бизнесни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ишсизлик даражасини камайтириш учун экспортлар ҳукуматга солиқларни оширмаслиқни тавсия қилишмоқда.

• «The Wall Street Journal» нашри томонидан ўтказилган тадқиқот натижасида АҚШнинг «Apple» корпорациясининг дунёдаги энг қиммат компания эканлиги маълум бўлди. Смартфонлар савдоси юришиб кетган ушбу корпорациянинг бугунги кундаги умумий сармояси 414 миллиард долларни ташкил этади. Шу пайтгача мазкур рейтинг рўйхатини бошқариб келган «EхonMobil» компанияси эса 409 миллиард долларлик капиталга эга бўлган ҳолда иккинчи ўринга тушиб кетди.

• Кеча Норвегиянинг ғарбий қисмида жойлашган, узунлиги 11,4 километрлик «Гудванга» деб номланувчи автомобильларга мўлжалланган туннелда юк машинасининг ёниб кетиши натижасида 55 киши жабрланди. Жабрланганларнинг асосий қисми қуюқ тутундан заҳарланган туйайли шифохонага ётқизилган. Юк машинасининг фалокати сабаби ҳозирча аниқ эмас.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Чилонзор туманидаги «Бектўпи» маҳалласининг янги гузариди маҳалла фаоллари ва ёшлари

иштирокида «Истиқлол нашидаси» мавзuida тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб ижро

этиладиган куй ва қўшиқларнинг савияси, матни ва ижро маҳорати мавзuida давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент автомобил ва йўллар касб-хунара коллежида

ўқув муассасасида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг ўқувчилар учун нашр эттирган ўқув-ўқувчи китобларининг аҳамиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ЯНГИЛАНИШЛАР ЭЪТИРОФИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

— Мустақилликдек буюк неъматни кўрсатганига, етказганига шукр, — дейди Миробод туманидаги «Мингўрик» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Татьяна Мамонтова. — Шу озод Ватанда азиз бўлган инсонларни, айниқса қарияларни, ёшларни қадрлаётган, юрт тинчлиги, фаровонлиги учун қайғураётган Юртбошимизга раҳмат. Жаннатмакон дёиримизга кўз тегмасин. Биз туманимиздаги маҳаллалар билан ҳамкорликда ташкил қилинган касаначилик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа кўргазмаларни намойиш этмоқдамиз, бу ҳам мустақиллик берган имкониятлар натижасидир.

— Истиқлол туфайли миллий кадрларимиз кадр топиб ўзланимизни танидик, — дейди Чилонзор туманидаги 217-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси Маъмуржон Рихсиев. — Мана, бугун дурадгорлик, ёғоч ўймакорлиги бўйича ўз кўргазмаларимизни олиб чиқдик. Бу маҳсулотлар ўқувчиларимизнинг қўл меҳнати самарасидир. Улар ўз иқтидорлари, қизиқиш ва интилишлари билан ана шундай гўзал ва бетақор маҳсулотларни яратмоқдалар.

Гулчехра ДУРДИЕВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

Куни кеча Ҳамза туманидаги «Бинафша» номли 596-сонли мактабга таълим муассасасида бўлиб ўтган тадбир мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланди.

БАРКАМОЛ ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида «Жонажон Ватан!» мавзусида ўтказилган байрам тадбири нафақа болажонлар, балки ота-оналар, меҳмонларга ҳам бир олам қувонч бағишлади.

— Мактабга таълим муассасаларида бундай тадбирларнинг ўтказилиши тарбияланувчиларда она юртга муҳаббат, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради, — дейди мактабга таълим муассасаси мудири вази-фасини бажарувчи Дилноза Саидкаббарева. — Тадбир ўтказилган кун муассасамизда ҳақиқий байрамона кайфият ҳукм суриди. Чунки болаларимиз байрамга тайёрлаган қўшиқ, шеърларини айтиб, рақсга тушиб ўз маҳоратларини намойиш этишди-да!

Жонқар тарбиячилардан Шоира Тожиева, Мукаддас Жўрабевалар сай-ҳаракатлари билан байрам кечаси жуда чиройли ташкил қилинди. Болажонлар қалбида Ватан туйғусини шакллантириш мақсадида шу куни «Она Ватан — жон Ватан!» мавзусида кўйроқ театри спектакли ҳам намойиш этилди.

Тадбирда иштирок этган ота-оналар, меҳмонлар ташкилотчиларга ўзларининг илқ таассуротларини изҳор қилиб, миннатдорчилик билдиришди.

Нилуфар САПАЕВА

— Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунининг 15-моддасида Миллий ахборот тизимида давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари кириши белгиланган, — дейди Ш.Абдувоҳидова. — Бошқача айтганда, Миллий ахборот тизими — бу шунчаки ахборот тизимлари тўплами эмас, балки фуқаролар, ҳўжалик субъектлари ва давлат ҳокимияти органларининг ахборот соҳасида самарали ҳамкорлигини таъминлайдиган, уларнинг ахборот маҳсулотлари ҳамда хизматларига бўлган ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларини қондирадиган ахборот маконини яратиш воситаси ва технологик манбаидир. Миллий ахборот тизимини шакллантиришдан мақсад давлат органларида фойдаланиладиган ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базасини интеграциялаштириш, шунингдек, «Электрон ҳўкумат»ни жорий этиш учун интерфаол давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ахборот технологияларининг таъминлашга доир ягона техник сиёсатни ишлаб чиқишдан иборат.

— Миллий ахборот тизимининг асосий ва-зифалари нималардан иборат?

— Телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфра-структурасини ривожлантириш, давлат органлари фаолияти ва марказлаштирилган маълумотлар базасини автоматлаштириш бўйича ахборот тизимларини яратиш Миллий ахборот тизимини шакллантиришнинг асосий вази-фалари ҳисобланади. Ахборот ресурслари, технологиялари ва тизимлари, жумладан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимларини ривожлантириш инноватга олинган ҳолда, давлат органлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот тизимларини интеграциялаштириш, АКТ соҳасини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш унинг энг муҳим вази-фасидир. Бугунги кунда Миллий ахборот тизими таркибига 84 турли ахборот тизимини ўз ичига олган 32 ахборот тизими киради. Уларнинг барчаси 2012-2014 йиллар мобайнида интеграциялаштирилиши шарт.

— Миллий ахборот тизимини яратиш-да қандай мақсадлар кўзда тутилган?

— Миллий ахборот тизими «Электрон ҳўкумат»ни жорий этиш учун технологик асосидир. Уни босқичма-босқич шакллантириш учун Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация техно-логияларини янада жорий этиш ва ривож-лантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

Бугунги кунда кўплаб вази-рлик ва идоралар, турли ҳўкумат ташкилотлари томонидан яратилаётган ихтисослаштирилган ахборот тизимлари ягона Миллий ахборот тизимининг бир қисмига айланмоқда. Шу ўринда Миллий ахборот тизими нима, унинг тузи-лмаси нималардан иборат, қандай ривожланиш истиқболлари ва йўналишларига эга, деган савол туғилади. «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш марказининг Миллий ахборот тизимини шакллантириш департаменти техник кўллаб-қувватлаш ва эксплуатация гуруҳи бошлиғи Шаҳноза Абдувоҳидова Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирига шулар ҳақида сўзлаб берди.

Қарори билан «2012-2014 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш дастури» ва «2012-2014 йиллар даврида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Миллий ахборот тизимига уланадиган ахборот тизимлари рўйхати» тасдиқланди. Шунингдек, Миллий ахборот тизимини яратиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари белги-

Миробод туманида жойлашган Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида маънавий-маърифий, адабий-музикаий байрам тадбири ўтказилди.

БОҒДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Истиқлолимизнинг қўлғў йигирма икки йиллиги арафасида халқимиз, миллатимиз тақдиридаги энг ёрқин дамларни, ўтган йиллар залворини сарҳисоб қилиш ҳар биримизга чексиз ғурур, завқ-шавқ бағишлайди. Зеро, тарих учун лаҳзага тенг йиллар мобайнида мамлакатимиз беқиёс юксалишларга эришдики, бугун нафақат ўзимиз, балки бутун жаҳон муваффақиятларимизни эътироф этмоқда. Биргина азим пойтахтимиз мисо-лида бунга ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Республикаси ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Мухтарам Улуғова, Тошкент Давлат техника университетининг маънавий-маъ-рифий ишлари бўлими бошлиғи Турсунмурод Маматқубулов, Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси Мадина Мухторова, кино актриса Зарина Низомитдиновалар иштирок этиб, мустақиллиқнинг қадр-қиммати, айни пайтда маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий тил ва маданиятимиз ривожини, ватан-парварликни мустаҳкамлашга ҳам йўл очганини таъкидлаб ўтдилар. Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти жамият аъзоларининг, ҳар бир шахс ва айниқса, ёшларнинг маънавий камолоти, истиқлол ғояларининг кишилар онгига кундалик ҳаётига чуқурроқ сингдирилишига боғлиқдир. Айнан мустақиллик туфайли халқимизнинг азал-ий қадриятларини тиклаш борасида эътиборга молик кўпгина ишлар амалга оширилганлиги ҳақида сўзладилар.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Комилов, «Нихол» му-кофоти совриндорлари Достон Убайдуллаев, Умар Шамсиев, эстрада хонандалари Нилуфар Отабекова, Шоҳрух, Дилнур, Шаҳзод ва Наврўз ижросида дилтортар куй-қўшиқлар янгради.

Севара ТўЛАГАНОВА,
Маънавият тарғибот маркази Миробод туман бўлими раҳбари

имконини беради. Уларни янада ривож-лантириш келажақда бир йўла бир қанча ташкилотлар фойдаланиши мумкин бўлган идораларо ахборот тизимини яратишга ёрдам беради. Бундай тизимни ишлаб чиқиш ташкилотлар ўртасида ахборот айирбошлашга кетадиган вақтни қисқар-тириш, қоғоз сарфини тежашга кўмакла-шди, фуқаролар ва юридик шахсларга электрон шаклда давлат хизмати кўрсатиш имконини беради.

— Ўз ахборот тизими-ни яратиш истагида бўлган ташкилот, би-ринчи навбатда нима-ларга эътибор қарати-ши лозим ва мамлака-тимиздаги ахборот ти-зимлари ишларини мо-нитинг қиладиган му-ассаса бўлиди?

— Ўз ахборот тизими-ни ташкил қилмоқчи бўлган ташкилот, би-ринчи навбатда унинг мақ-сади ва асосий вази-фаларини аниқ белги-лаб олиши керак. Бу борада автоматла-штириш режалаштирилаётган жараёни ва унинг техник вази-фасини атрофчида ўр-ғаниб чиқиши зарур.

Давлат алоқа инспекцияси 2013 йилда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекомму-никация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясига айлантирил-ди ҳамда унинг зиммасига ишчи ва бош-қарув жараёнларини автоматлаштириш самарадорлиги устидан давлат назоратини амалга ошириш, интеграциялаштирилган ахборот тизимлари, идораларо маълумотлар алмашиш тармоқларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, интерфаол давлат хизматлари кўрсатиш каби қўшим-ча вази-фалар юкланди. Инспекция ушбу вази-фаларга мувофиқ давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, алоқа, ах-боротлаштириш ҳамда телекоммуникация технологиялари соҳаси корхона ва ташки-лотларида ахборот-коммуникация техно-логияларини жорий этиш ҳамда ривожлан-тириш жараёнларини белгиланган тартиб-да назорат ва мониторинг қилиб, ўрганиб бормоқда.

Р.БОНДАРЧУК

ВЕНАДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Яқинда Австрия пойтахтида Ўзбекистон маданияти, санъати ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Австриядаги дипломатия миссияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда маҳаллий жамоатчилик ҳамда ишбилармон доираларининг вакиллари иштирок этди.

Тақдимот чоғида ўзбек халқининг бой маънавий ва маданий мероси, тарихий шаҳарларимиз зами-нида қад кўтарган меъморчилик обидалари ҳақида ҳўқоқа қиладиган ранг-баранг ахборот материалла-ри, шунингдек, ўзбек халқ миллий амалий санъати ва либосларининг гўзаллигини ўзида акс эттирган фотосуратлар ҳамда видеолавҳалар тадбир қатнаш-чиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Маросим иштирокчилари мамлакатимизнинг за-монавий тараққиёти, эришилган асосий макроиқ-тисодий кўрсаткичлар, жумладан, иқтисодий ўсиш суръатлари ва саноат ишлаб чиқариш даражаси билан ҳам яқиндан танишдилар. Тадбир чоғида юр-тимизда шаклланган сармоявий ва ишбилармон-лик муҳитининг жозибадорлигини янада юксалти-ришга йўналтирилган ислохотлар хорижий капитал маблағлари ҳажмининг ортishi ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторини янада ривожлан-тиришга кўмаклашаётгани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, республикаимизда сайёҳлик со-ҳасида эришилган муваффақиятлар, сайёҳлик ин-фратузилмасини ривожлантиришнинг муҳим йўна-лишлари ва уни янада такомиллаштириш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган муҳим чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тадбир иштирокчилар-ида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир интихосида унинг айрим қатнашчилари тақдимотдан ортирган фикр-мулоҳазаларини ўртоқ-лашдилар.

Жумладан, Австриядаги «А-Гус» академияси-нинг вакили Александер Лайтнер Ўзбекистоннинг қўнқа тарихи ва бой маданияти борган сари авст-риялик сайёҳларнинг эътиборини кўпроқ ўзига жалб қиладиганини қайд этди. «Бугун бўлиб ўтган тақди-мот маросими халқларимиз ўртасидаги ўзаро яқин-лашув ва маданий мулоқот кўламларининг янада кенгайишига хизмат қилади», деди у.

«СМТ» компаниясининг бошқаруви маслаҳат-чиси Михаель Циерфогл ҳам Ўзбекистон раҳбари-яти томонидан ўлканинг маданий меросини асраб-авайлашга қаратилаётган эътиборга юқори баҳо берди. «Юртингизда мавжуд бўлган даволаш-соғломлаштириш, экология, тоғ чангиси, экстремал сайёҳлик ва бошқа йўналишлар европалик сайёҳ-ларнинг эътиборини тобора кўпроқ тортаёттири, бу Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг нақадар катта эканлигини далолат беради», деди М. Циерфогл. «Бизнес, маданият ва спорт» жамиятининг ди-ректори Манфред Тихи бир неча йил аввал Ўзбекис-тонга уюштирган сафари чоғида мамлакатимизнинг Буюк Ипак йўлида жойлашган бетақор тарихий шаҳарлари, улар бағрида жойлашган, гўзаллиги ва маҳобати билан киши ақлини шоширадиган кўплаб тарихий обидалари билан бевосита танишишга муяс-сар бўлганини мамнуният билан маълум қилди. «Ўзига хос ва ўзига мўъзоқона меҳмондўстлик анъаналари ҳам менда унутилмас таассуротлар қолдирган», деди у.

Эътиборга молик жиҳатлардан яна бири шунда-ки, мазкур Ўзбекистон тақдимоти доирасида Ўзбе-кистон — Австрия Маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш жамиятининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

«Жаҳон» АА
Вена

МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИ ТУБДАН ЯНГИЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сўзга чиққанлар таъкидлаганларидек, юқорида-ги қарор асосида эндиликда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини маҳаллий давлат ҳоки-мияти органларида ҳисобга олиш тўғрисидаги Ни-зом тасдиқланиб, Низом асосида уларни ҳисобга олиш тартиби белгиланган.

Мазкур Низомга мувофиқ ҳисобга олиш фуқаро-лар йиғини жойлашган жойдаги маҳаллий давлат ҳоки-мияти органлари, яъни туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузури-даги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан амалга оширилади. Ийгилишда сўзга чиққан Адлия вази-рлигининг маъсўл ходимлари фуқаролар йиғинини ва фуқаро-лар йиғини тўғрисидаги Низомга киритилган ўзгар-тириш ва қўшимчаларни ҳисобга олиш учун инспек-цияда тақдим қилиниши лозим бўлган ҳўжатлар, аризонанинг кўриб чиқирилишида қўйиладиган асосий талаблар, рад этиш учун асослар ҳамда бу борада солиқ ва статистика органларининг ўзаро ҳамкор-лиги масалаларини батафсил тушунтириб ўтишди.

Шу билан бирга, йиғилишда Ўзбекистон Респу-бликаси Вази-рлар Маҳкамасининг юқоридаги қаро-рига мувофиқ 2013 йилнинг 1 сентябригача бўлган муддатда ҳудуддаги мавжуд фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини ушбу қарор талаблари асосида ҳисобга олиш ишларини якунлаш лозим-лиги таъкидланди.

Ўзаро жонли мулоқотларда иштирокчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини «бир дарча» та-моили бўйича давлат рўйхатидан ўтказишнинг қулай-ликлари, ўзини-ўзи бошқариш органларини ҳисобга олиш учун зарур бўладиган ҳўжатлар, бир вақтинг ўзида давлат статистик ва солиқ органларида ҳисоб-га қўйиш, фуқаролар йиғинлари қайта ташкил этил-ганда ҳисобга олиш тартиблари ҳамда ҳисобга олиш муддатлари юзасидан берилган саволларига мута-хассислар томонидан атофлича жавоб қайтарилди.

Отабек АЗИМОВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлими бошлиғи



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА (2001 йил)

2001 йил мамлакатимизда «Оналар ва болалар» йили бўлди. Амалда соғлом авлод тарбияси йўналиши бу йилда ҳам изчил давом эттирилди. Йил давомида 6 февралда қабул қилинган «Оналар ва болалар йили» Давлат дастури ижроси таъминланди.

2001 йилдан янги аср, янги минг йиллик кириб келди. Янги йилнинг дастлабки иш кунларидан бирида — 4 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинди. Бу қонуности ҳужжати ҳозирги кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Давлат ва жамият Конституциясиз яшаши мумкин эмас. Конституцияга, шунчаки ҳужжат, деб қараб бўлмайди. Унинг ҳар бир бўлими, боби, моддаси, банди — олам-олам маъно-мазмунга эга, уларнинг ҳар бири муайян ҳуқуқ, эркинликни кафолатлайди, тегишли бурчни қайд этади. Шунинг учун ҳам Асосий қонуниимизни ўрганиш фуқаро зиммасига изчил ва мунтазам давом этадиган масъулият юклайди.

Орадан ронпа-роса икки ҳафта ўтиб, яъни 18 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида» Фармойиши билан умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, бакалаврият ва магистратурада ўқиб соҳани фан сифатида ўқитиш жорий этилди. Шу тариқа мамлакатимизда миллий ғоя ва мафкура фанининг алоҳида бир соҳаси сифатида шаклланиб, йилма-йил тараққий этиб борапти.

Собиқ шўро давлатининг туғаш билан мустақил давлатларга айланган мамлакатлар ўртасида кўп эски алоқалар узилган, уларни янги шароитда, тенг манфаатдорлик асосида қайтадан изга қўйишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган эди. 2001 йилнинг 25 январидан «Тошкент — Москва — Тошкент» йўналиши бўйича йўловчи поезди қатнай бошлади. 15 мартда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи ишга тушди. 17 мартда эса 224 километрлик «Мискин — Учқудук» темир йўли қурилиши якунидади. Бу келажакда «Учқудук — Нукус» темир йўлини қуришда катта бир пойдевор эди.

Январь ойида Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммити бўлиб ўтди (09.01). «Умид ниҳоллари» уйинларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди (19.01). Тошкентда Марказий Осиё давлатлари иштирок этган «Сув — келажак заҳираси» шiori остида семинар-тренинг ўтказилди (24.01).

2 февралда Чирчиқ шаҳрида газ ҳайдаш компрессорларини қайта таъмирлашга ихтисослашган «US-DR сервис маркази» Ўзбекистон — Голландия қўшма корхонаси ишга тушди.

2001 йили халқимиз башарият ақл-тафаккури ва бадият оламидаги улуг зот, ўзбек халқининг буюк мутафаккири Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 560 йиллик мубарак тўйини нишонлади. Асосий тантаналар шoir номи билан аталган шаҳарда бўлиб ўтди.

Бағри бутун халқ байрам қилади. Бағри бутун халқ деган ифода замирида эса олам-олам маъно ётибди. Бунинг учун, аввало, халқнинг эрки ўз қўлида бўлиши керак. Ана шунда у ўз меросига эга чиқа олади, минг-минг йиллик тарихи билан бугунини мустаҳкам ришталар орқали боғлаб, келажак сари дадил қадамлар ташлайди. Халқ ўтмишдан куч-қувват, салоҳият, ақл-заковат излайди ва топади.

Шу маънода Алишер Навоий — биз учун нихоятда буюк зот. Унинг ҳаёти ва фаолияти ўзбек халқининг жаҳон сазнасида бор бўй-баста билан намоён бўлишини таъминлади. Буюк Соҳибқирон Амир Темур халқимизнинг сиёсий-давлатчилик салоҳиятини оқсаттирган бўлса, Алишер Навоий унинг маънавий-маърифий жиҳатдан нақадар баланд поғоналарга кўтарилганини намойиш эта олди. Ҳеч муболағасиз айта оламизки, шoir мероси — халқимизнинг XV асргача бўлган фикрий-ҳиссий тараққиётини кўрсатадиган бой бир қомус сифатида нихоятда қадрили ва ардоқли. Шунинг учун XVI аср бошигача бўлган тарихимизни бу буюк мутафаккир асарларисиз тасаввур қилишнинг ҳам, ўрганишнинг ҳам асло иложи йўқ.

Шoir тўйига бағишланган тантаналар ҳар кимни, аввало, шулар ҳақида ўйлашга ундайди.

Бу байрам иштирокчиси камда тўрт муҳим жиҳатнинг гувоҳи бўлди.

Биринчиси шуки, Навоий шаҳрида 103 гектарлик янги ажойиб бог барпо этилди. Унинг марказида шoirнинг муҳташам ҳайкали тикланди. Унинг саҳнида амфитеатр қурилди. Бу ер ажойиб байрамлар, маънавий-маърифий анжуманлар ўтказиладиган майдонга айлантирилди.

Мир Алишер қурдирган кўлаб масжид, мадраса, хонақоҳ, рабоб, кўприк, беморхона, ҳовуз ва ҳаммомлар, барпо этган бог-роғлар унинг замонасидаги буюк бунёдкорлардан бири бўлганини кўрсатади. Навоий шаҳрида бу боғнинг бунёд этилиши, ана шу тантаналар муносабати билан, умуман, бу ерда амалга оширилган улкан ободончилик ва таъмирлаш ишларида халқ ҳудди ўша замоналардагидек ҳаяжарга чиқди ва шу тариқа ўз меҳнати



билан амалда улуг шoirи ва мутафаккирига чексиз ҳурмати ниҳодади.

Иккинчи жиҳат шундан иборатки, ана шу боғнинг тантанали очилиш маросимида муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов ёрқин нуқ сўзлади. Навоий ҳазрат инсоннинг инсондай яшашини орзу қилгани ва шунинг учун бўйи тарғиб этганини айтиб: «Биз ҳам шунини истаймиз. Бу йўлда қўлимиздан келган барча ишни қилишга тайёرمىз. Одам дунёга келиб, бахтли яшаши, яйраб-яшаши, ўз меҳнатидан завқланиши, инсондай дам олиши, бог-роғлардан баҳра топиши керак», — деди.

Халққа хизмат шoir ҳаёти ва ижодининг бош ғояси эди. Президентимиз таъкидлаганидек: «Агар шoir асарларини варақласак, деярли ҳар саҳифасида «халқ», «эл», «улус», «юрт», «райят» деган сўзларнинг «меҳр», «мурувват», «оқибат», «саховат», «садоқат» сўзлари билан узвий боғланиб кетганини кўрамиз».

Чиндан ҳам, навосиз улуснинг навобахши бўлиш бир умр Навоийнинг асл мақсоди эди. Улуг мутафаккир ўз даврининг маънавий раҳнамоси эди. Ижод аҳлига яратилган юқтирар, уллардан моддий ва маънавий ёрдамни аямас эди.

ИСТИҚЛОЛ. СЛОЖОТ. СТИҚБОЛ

Учинчи муҳим жиҳат шуки, шаҳардаги шoir қаҳрамони номи билан аталадиган муҳташам «Фарҳод» маданият саройида «Алишер Навоий ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди. Олимларимиз Навоий меросининг турли қирраларини ёритадиган маърузалар қилди.

Навоий, аввало, буюк шoir эди. У ўзбек шеърятини энг юксак чўққиларга кўтарди. Ўзбек тилининг шундай буюк адабиёт яратиш қудратига эга эканини ўлмас бадиий асарлари билан амалий жиҳатдан исботлаб берди. Бу улуг зот учун туркий тилда ижод қилиш байроғини бу қадар баланд кўтариш факат адабий муаммо бўлиб қолмай, балки бевосита миллий сиёсат масаласи ҳам эди.

Навоий буюк мутафаккир эди. У ўша замондаги инсоният эришган энг буюк тафаккур салоҳиятини намойиш этди. Навоий буюк сиёсатчи эди. Биз учун унинг тарихчи, сиёсатшунос, давлатшунос сифатида ҳам илмий, ҳам амалий фаолияти — бағоят қадри. Истиқлол туғайли унинг бу меросини ҳақоний ўрганиш имкониятига эга бўлдиқ. Ўша даврларда темирйўллар салтанати мустаҳкамлиги, халқнинг ҳар тарафлама равнақ топиши кўп жиҳатдан миллийлик Алишер Навоийдек маънавий пирларига бевосита боғлиқ бўлган эди.

Мустақиллик шарофати билан Навоийнинг жаҳондаги буюк давлатшунослардан бири сифатидаги меросини ўрганиш, ундан миллий давлатчилигимиз равнақи йўлида фойдаланиш, башариятни бундан тўла хабардор қилиш пайти келди.

Навоийдаги Ўйғониш даври буюкларига хос серкирралик, қизгин ижтимоий фаолият, кишини дол қолдириши билан бирга, ҳар биримизни Аллоҳ иноят этган умрдан ана шундай унумли ва мазмунли фойдаланиб қолишга ундайди.

Шoir яратган буюк маънавий таълимотдаги қомил инсон ғояси шунчаки назарий орзугина эмас, бевосита амалиёт эди. Ўзи бунинг олий намунасини кўрсатди. Инсоният мавжуд экан, бу ўлмас ғоялар одамларни эзгуликка ундайверади.

Тўртинчи жиҳати шуки, ўша кунини кечқурун Навоий ҳайкали пойидаги амфитеатрда санъат усталарининг концерти намойиш этилди.

Хуллас, шoir таваллудининг 560 йиллиги тантаналари якун топар экан, ҳатташчилар кўнглидан, навоийликлар ўз вилоят ва шаҳарларининг шoir номига мис равнишда гуллаб-яшатишга қодир, деган фикр кечди. Март ойида Тошкентда «Интернет. ЎЗ» биринчи миллий интернет-фестивали ўтказилди (15.03). Ўрта Осиёда ягона Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбати тўла қувват билан ишлай бошлади (20.03). Нукус туманида «Қорақалпоқтомат» корхонаси (21.03), Фарғонада йирик фуран бирикмалари кимё корхонасида целлюлоза ишлаб чиқариш ишшооти ишга тушди (24.03).

Апрель ойида Наманганда «Асман текстиль» қўшма корхонаси фаолият бошлади (30.04). Бу ой ёшлар ҳаётида ўчмас хотиралар қолдирди. Ўзбекистон Республикаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултоғи бўлиб ўтди (25.03). Спорт — соғлом авлод тарбияси учун хизмат қиладиган муҳим бир восита. Тошкентнинг «Юнусобод» спорт мажмуида ўзбек кураши бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди (28 — 29.04). Жиззах шаҳрида эса илк бор уюштирилган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими ўтказилди (30.04).

Майда ҳам мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётида муҳим воқеа-ҳодисалар, тадбир-маросимлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қағоз қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди, унга кўра, 31 август Қағоз қурбонларини ёд этиш кунини деб белгиланди, Тошкентда Ўзбекистон шойининг тиббий ёрдам маркази фаолият кўрсата бошлади (01.05), Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Хоразм вилоятининг Богот, Жиззах вилоятининг Зафаробод, Мирзачўл, Дўстлик туманларида, Навоий ви-



лоятининг Хатирчи туманида, Гулистон шаҳрида Хотира хийбоналари барпо этилди (09.05), Шаҳрисабзда Амир Темур номидаги маданият музейида рамзий Тинчлик устунининг ўрнатилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди (18.05), Андижон шаҳридаги Бобосаддин маҳалласидан қадимий мис тангалар топилиди, бу тангалар 1428/1429 йилларга тегишли бўлиб, Мирзо Улугбек даврига тўғри келади, «Ватанпарвар» ташкилоти ҳузурда «Шонли Ватан тарихи» музейи очилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2001 — 2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет»нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Июнь ойида Хитойнинг Шанхай шаҳрида Ўзбекистоннинг «Шанхай форуми»га тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисидаги баёноти имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таълифи билан «Шанхай форуми» номи «Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти — ШХТ» деб ўзгартирилди (14 — 15.06). Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш тўғрисида»ги, «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди (22.05). Тошкентда мамлакатимизда ягона «SOS — Болалар маҳалласи» очилди.

Июль ойида АҚШда фахрийлар ўртасида ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистонлик Фарҳод Огаев чемпион ўнвонига сазовор бўлди. Чирчиқда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг барча қўшин турлари учун сержантлар тайёрлайдиган мактаб очилди (06.07). «Ўзқўрғазмасавдо» марказида ёшлар ўртасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича тўққизинчи жаҳон чемпионати бошланди (09.07). «Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишони таъсис этилди (18.07).

Августда Тошкентнинг Юнусобод туманида сув спорти саройи қурилди, «Тошкентленд» боғи мажмуи яқинида «Япон боғи» очилди. «Матиз» русумли автомобилнинг халқаро тақдирот маросими бўлиб ўтди (17.08). Тошкентда теннис бўйича «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти» (UN Cup) халқаро ўсимлар турнири бўлиб ўтди (17.08 — 01.09). Фарғона шаҳрида Жанурий Корея ҳамда Япония билан ҳамкорликда «Қабул — Фарғона компани» тўқимачилик қўшма корхонаси ишга тушди, «Шарқ тароналари» учинчи халқаро мусика фестивали очилди (26.08). 29 августда Тошкент шаҳридаги Яқкасарой, Ҳамза, Миробод, Мирзо Улугбек, Юнусобод, Шайхонтоҳур, Олмазор, Учтепа туманларини бир-бири билан боғловчи Кичик халқа йўлининг 7,5 километрлик масофаси фойдаланишга топширилди. Тошкент шаҳрида академик драма театри қайта таъмирланган биносининг очилиш маросими ўтказилди (30.08). кўп ўтмай Ҳамза номидаги бу театр номи «Ўзбек миллий академик драма театри» деб аталадиган бўлди (21.09).

Сентябрда Тошкентда теннис бўйича «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» халқаро турнири очилди (11.09). Тошкент вилоятининг Чиноз туманида «Чиноз тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон — Туркия — Япония қўшма корхонаси ишга тушди, «Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари атласи» босмадан чиқди, «Мерос» илмий-амалий экспедиция халқаро хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтказилди (21.09).

Октябрда Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси (22.10). Ўзбекистон болалар кутубхоналарини ривожлантириш ва тақомиллаштиришга қўмаклашувчи хайрия жамғармаси расмий рўйхатдан ўтди (23.10). 26 октябрда Тошкент метрополитенининг узунлиги 7,6 километрлик 6 бекатдан иборат Юнусобод йўналишининг биринчи навбати, яъни «Мингўрик» бекатидан «Ҳабиб Абдуллаев» бекатигача бўлган қисми фойдаланишга топширилди.

3 ноябрь кунини Ўрганишда «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди, ёдгорлик мажмуаси очилди. Бу билан дунёга, биринчидан, шу муқаддас асар айнан бизда — Хоразмда яратилганини, макънавидан, бундан 27 аср муқаддам ҳам ажодларимиз изъини қилиб, учун курашганини, учинчидан, ўша замонларда ҳам халқимиз жаҳон тафаккури равнақига шунчалар улкан ҳисса қўшганини баралла айтди.

Бу ойда Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти ташкил этилганнинг 100 йиллиги нишонланди (21.11).

Декабрь ҳам сермазмун келди. Иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилинди (06.12).

Шу йили Шўртан газ-кимё мажмуи ишга тушди (21.12). Жиззах шаҳрида «Ўзэксайд» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси ишга туширилди.

2001 йилдан Тошкентда Халқаро кураш институти фаолият бошлади.

Тарихни ўрганиш, меросни асраб-авайлаш изчил давом этди. 2001 йили ЮНЕСКОнинг Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида Самарқанднинг тарихий маркази меъморий-тарихий ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

XXI асрнинг биринчи йили Ўзбекистонимизда ана шундай сермазмун ўтди.

Олим МАҲМУДОВ
(Келгуси сонда 2002 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Юракда шавқ бўлмаса,
яшашдан маъно йўқ.

Оғир кунлар кишини
тоблайди.

Масъулиятдан ўзини
олиб қочиш номардлик.

Айримлар дўстлик
ниқобида душманлик
ҳам қиладилар.

Кибру ҳаво — дарди
бедаво.

Таъқиб рақибга айлан-
тиради.

Баъзи инсонлар бош-
қаларга ўчакишиб иш
қилишади.

Ғафлат жаҳолатга
етаклайди.

Ёлғоннинг кўргони
омонат.

Одамнинг ўзига ҳам
кўп нарса боғлиқ.

Ўзи мойил бўлмаганни
йўлдан уриб бўлмайди.

Эҳтиёж инсонни нима-
ларга мажбур қилмайди.

Қийинчилик кўрмай
туриб қийналдим деб
нолисанг, қийналмай
қолмайсан.

Бир-бирингга гап
етказгунча мадад етказ.

Қўрқоқнинг ҳаёти
бўронда қолган қайиққа
ўхшайди.



Ўзгидромет
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида
8 августда ҳаво бир оз ўзга-
риб туради, ёғингарчилик
бўлмайди. Шарқдан секун-
дия 5-10 метр тезликда
шамол эсади. Ҳарорат ке-
часи — 20-22, кундузи — 33-
35 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг
мониторинг хизмати
маълумотига кўра,
8 августда Тошкент
шаҳри об-ҳаво шаро-
ити шаҳар ҳаво му-
ҳитида зарарли моддалар-
нинг бироз тарқалиб кети-
шига имконият яратлади.
Атмосферанинг ифлосла-
ниш даражаси 1-3 фоз
кўпайиши тахмин қилин-
моқда, тағмиқдори паст
бўлади.



МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ МУЗЕЙИ



БУГУНГИ ҲОЛАТ

АВВАЛГИ ҲОЛАТ

ҲАЁТ ВА ИЖОД ЗАВҚИ

Истиқлол тенгдоши — Ислон Юсупов устахонасига кирар эканмиз, тупроқ иси — она замин тароватини туйдик. У лойдан нафис буюмлар, турли ҳолатлар акс этган ҳайкалчалар ясайди.

Улардан бирида шундай ҳолат ифодаланган: чойхонада оқсоқоллар гурунглашиб ўтирибди. Дўппи кийган, юзларидан нур ёғилиб турган чойхоначи дастурхонга ош тортмоқда. Кимдир нон-чой, яна кимдир тарвуз-қовун кўтариб, меҳмонларга иззат-эҳтиром баҳо келтирмоқда. Уларнинг чехрасида самимий кулгу, хотиржамлик зоҳир.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида бебаҳо меросимиз ва миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида яратилган шарт-шароит ва имкониятлар самарасида миллий ҳунармандлар ижодига кенг йўл очилди. Усталар қадди ва қадри юксалди. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг ривожлантириши янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони бунда муҳим омили бўлмоқда.


Бундан ташқари Ислон Юсупов ижоди мисолида ҳам қўриш мумкин. Уч йил олдин Матлуба Умарова ўғли Ислон билан кичик устахона очиб, мўъжаз ҳайкалчалар ясаб билан шуғуллана бошлади. Бу бир қарашда оддий иш, ammo инсондан сабр-тоқат, кунт ва нозик дид талаб қилади. Чунки не-не машаққат билан яралган санъат намунаси охиригача бўлиб — буюш жараёнида биргина қалтис-

роқ ҳаракат тўғрисида зарар қўриши ҳеч гап эмас.

— Аждодларимиз моҳир кулол ўтган, — дейди М.Умарова. — Мамлакатимиз мустақилликка эришган, кўксимизга шамол теғди. Бугун ҳунар эгаллаيمان, аждодларим йўлини давом эттираман, деган ёшларга барча имконият яратилган, уларнинг истеъдоди ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Устахонада олти нафар ёш кулолчилик сирларини ўрганмоқда. Улар ясаган маҳсулотлар юртимизда фаолият юритаётган сайёҳлик агентликлари, таълим муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари, хорижий сайёҳлар ўртасида жуда ҳаридордир.

Матлуба опа Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида бўлиб ўтган «Асрлар садоси» мада-



Ўлгин Шамсиддинов (ЎА) олган сурат

Байрам АЙТМУРДОВ

ният фестивалларида иштирок этди. Ўғли Ислон эса «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг шаҳар босқичида, Обод турмуш йилга бағишлаб ўтказилган ёш кулоллар республика кўргазмасида ўз маҳсулотларини намойиш қилди.

— Сопол ҳайкалларимизнинг ўзига хослиги энгиллигида, — дейди И.Юсупов. — Бугун ўнлаб ҳунармандлар мана шу услубда кулолчилик маҳсулотларини ясамоқда, кулоллар ўртасида соғлом рақобат кўнаймоқда. Маҳсулотларимиз беазаги, унинг кўзга ташланувчи ёрқин рангларида катта эътибор қаратамиз.

Ёш уста ўз билим ва кўникаларини кулолчиликда қўллаб, бу йўналишни янада такомиллаштириш йўлида изланмоқда. Хусусан, маҳсулотлари ассортиментини янада кўпайтириб, ҳайкалларни нафақат беаза, балки рўзғорда ҳам асқотадиган буюмга айлантириш йўлида изланмоқда. Бу иш ҳам ҳайкалчалар чойнак, турли буюмлар солиб қўядиган идишлар вазифини ҳам баҳариши мумкин.

Бугун Матлуба опа ҳунарини ўғли давом эттираётганидан, ишини қўлидан олганидан, шу билан бирга оиласига ҳам, эл-юртига ҳам наф келтираётганидан мамнун. Ўз қадр-қимматини англаб, эртанги кунга ишон билан яшаётганидан хурсанд.

Спорт янгилликлари

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакатимизнинг энг кучли теннисчиси Денис Истомин Канаданинг Монреаль шаҳрида давом этаётган «Мастерс» туркумига кирувчи «Rogers Cup — 2013» халқаро турнирини ғалаба билан бошлади.

Дунёнинг энг кучли ракетка усталари иштирок этаётган мазкур нуфузли мусобақанинг дастлабки босқичида Денис Истомин сербиялик машҳур теннисчи Янко Типсаревичга қарши қорғат чиқиб, 6:4, 6:3 ҳисобида ғалаба қозонди.

Ўзбекистон терма жамоасининг яна бир аъзоси Фаррух Дўстов АҚШда ўтаётган «Челленжер» туркумидаги «Аptos — 2013» халқаро турнирининг асосий тўр баҳсларига йўлланма олди. Ҳамюртимиз саралаш мусобақасида мезбонлар вакили Жордан Келлерни 6:1, 6:1, австралиялик Брайд Вестонни 6:2, 6:1, ҳиндистонлик Санам Сингхни 6:1, 7:6, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ф.Дўстов асосий тўрнинг дастлабки учрашувини бельгиялик Оливьер Рокусага қарши ўтказди.

Футбол бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионати олий лигасида иштирок этаётган ўн тўрт жамоа иккинчи давра баҳсларига киришди.

ЧЕМПИОНЛИККА УЧ ДАЪВОГАР

Ўн тўртинчи турнинг марказий учрашуви мусобақа жадвалида дастлабки икки погонани эгаллаб турган пойтахт жамоалари — «Бунёдор» ва «Локомотив» ўртасида бўлди. «Темирйўлчи»лар мезбонлик қилган баҳсда 1:1 ҳисоби қайд этилди. «Бунёдор» 35 очко билан пешқадамлик мавқеини сақлаб қолган бўлса, 33 очкога эга «Локомотив» иккинчи ўринда бормоқда.

Чемпионлик учун курашда пойтахт жамоалари билан тенгма-тенг рақобатлашаётган Қаршининг «Насаф» клуби бу гал «Гулистон»ни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 32 очко билан учинчи ўринни мустаҳкамлади.

Бу йилги чемпионатда яна икки жамоа — амалдаги чемпион «Пахтакор» ва «Металлург» ҳам 25 тадан очко жамғариб, совринли ўринларга даъвогарлик қилмоқда. «Пахтакор»чилар ўз майдонида «Бухоро»ни, «Металлург» Бекободда Наманганнинг «Навбахор» жамоасини 2:1 ҳисобида енгди.

Даврлар оралигида таркибининг анча қўчайтирган «Нефчи» Фарғонада ўтган баҳсда «Шўртан» (Ғузор) дарвозасига жавобсиз иккита тўп киритди, Самарқанддаги ўйинда «Динамо» вакиллари Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоаси устидан 1:0 ҳисобида зафар қўчди.

Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси ўз муҳлислари олдида «Олмалик» билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади.

(ЎА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнинг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй манзилида жойлашган бинода тадбиркор субъектларининг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида **«Очиқ эшиклар куни»** ўтказилишини маълум қилади.

БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани ҳокимияти тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2005 йил 6 июнда №000561-06 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган «YO'L LOYIHA-AHU» хусусий илмий-тадқиқот ва йўл лойиҳалаш корхонаси (ИНН 205705798) ўз фаолиятини тугатади. Давролар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида 232-17-81 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи томонидан 1992 йил 1 июлда Досуҳамедов Ҳасан Закирович номига берилган 6105 рўйхат рақамли №0449676 сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Х.З.Колоннов номига касб-ҳунар коллежи томонидан 1998 йил 30 июнда Асанов Нурлан Мавлянович номига берилган 8806 рўйхат рақамли, АС №092684 сонли ўрта маълумот тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент молия институтини томонидан 2009 йилда Рустамов Жамолдин Мирзакаримович номига берилган БН№423651 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 27 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Суд қарорларни ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

1. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-туманида жойлашган, ер майдони 0,29 га, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м., ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 га бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м. ни ташкил этади, 8 та шохобчадан иборат автоустахона, 4 автомашинага мўлжалланган автоювиш шохобчасидан иборат савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бино иншоотлари. Бошланғич нархи — 1 317 621 690 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844,0 кв.м., фойдали майдони 2892,3 кв.м., ўн бешта бинодан иборат «Ишлаб чиқариш ҳудуди» бино иншоотлари. Бошланғич нархи — 2 808 670 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5А-уйда жойлашган, умумий ер майдони 4611 кв.м., фойдали майдони 1782,2 кв.м., тўртта бино ва иккита ховуз мавжуд бўлган «Чойхона» (Сабо тўйхона) биноси. Бошланғич нархи — 4 075 660 000 сўм.

4. Тошкент вилояти, Қийрай тумани, Тузель Қ.Ф.И.да жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м., бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги фактик асосий бинолар сони 11 та, қадрстр ҳужжатида кўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилмалар, яъни ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган устахона, иккита бостирма

бузиб ташланган «Автосарой» бино иншоотлари. Бошланғич нархи — 604 310 000 сўм.

5. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Бурчмулла қишлоғи, Д. Тустемов кўчасида жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м., икки қаватли, асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар 7 та, биринчи қаватдаги омборхона яшаш ҳолатига келтирилиб, қайта таъмирланган дала ҳовли. Бошланғич нархи — 653 690 000 сўм.

6. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 155,0 кв.м., тўққиз қаватли бино биринчи қаватининг бир қисми, асосий хоналар сони 12 та, бўлган «Сартарошхона ва дўкон» (офис) биноси. Бошланғич нархи — 379 280 000 сўм.

7. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 836,0 кв.м., уч қаватли бино биринчи қаватининг бир қисмида жойлашган «Маиший хизмат кўрсатиш» бино иншоотлари. Бошланғич нархи — 1 506 820 000 сўм.

II. Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2013 йил 19 февралдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уйда жойлашган, умумий ер майдони 283 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 76,15 кв.м. бўлган, 1 қаватли 2 та яшаш хонадан иборат уй-жой. Бошланғич нархи — 63 144 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 3-уй, 19-хонадонда жойлашган, умумий майдони 84,34 кв.м., умумий яшаш майдони 38,57 кв.м. бўлган, 3 та яшаш хонали уй-жой. Бошланғич нархи — 145 291 500 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳқўчаси, 24-уй, 39-хонадонда жойлашган, умумий майдони 47,79 кв.м. бўлган, 2 та яшаш хонали уй-жой. Бошланғич нархи — 85 725 900 сўм.

III. Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

Тошкент шаҳри, Сергели тумани тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан 2011 йил 26 февралда №002900-06 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «EVEREST — NET — MOBILE» маъсулияти чекланган жамияти (ИНН 301864689) тугатилди.

Давролар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади. +99890 185-15-18.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 58-уй, 17-хонадонда Тошкент шаҳри Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан 18.08.2008 йилда берилган 2684 рақамли кадастр маълумотномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Учтепа туманидаги 7-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Дилдор Холдорона Қурбоновага отаси **Холдор Аҳмедович ХОДЖАЕВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Ғ-841

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9030 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОНОВ